



Хива хони Исфандиёрхон (1911 йил)

Кабристондан чавакланган кишининг жасади топилди. Унинг хашамдор кийимлари, орден, медал, тилла буюмлари Хива хонининг бош вазири Исломхўжа эканлигини кўрсатиб турарди. Ўша котиллик рўй берган 1913 йил 9 август куниёк Амударё бўлими бошлиги Туркистон генерал губернаторига 791 -сонли телеграмма юборди. Унда, «вазири Акбар Исломхўжанинг фожиявий ўлими сарой ва халк ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди», дейилганди. Котиллик юз бергандан то шу кунларгача Исломхўжани ўз куёви, Хива хони Исфандиёрхон ўлдиртирган, деган тахмин катъий хулоса сифатида таъкидланиб келинмокда. Аммо, кейинги даврда топилган манбалар бош вазирнинг ўлими излари Хива хони саройига эмас, бошқа бир хашаматли саройга бориб такалишини кўрсатмокда.

Ислохотга мухтож ўлка вазири

Исломхўжа Хоразмда энг нуфузли бўлган Саид Отойи хўжалардан Саид Мухаммадхўжа мутаваллининг набираси бўлиб, 1872 йилда тугилганди. Отаси Иброхимхўжа Ферузхоннинг тогаси бўлиб, Хонка хокими бўлган, кейинчалик бош вазир лавозимини эгаллаганди. Мактаб ва мадраса тахсилени олган Исломхўжа олдинига хон саройида закотчи сифатида ишлайди. 1889 йилда эса 17 ёшли Исломхўжани Феруз Хивадан кейин иккинчи ўринда турувчи Хазораспдек мухим стратегик, савдо шахрига хоким килиб юборади. Орадан вақт ўтиб, тажрибага эга бўлган Исломхўжа 26 ёшида Ферузхоннинг бош вазири сифатида яна Хивада иш бошлайди. Феруз ўзи сингари тараккийпарвар ва маърифатпарвар Ис-ломхўжани бош вазир килиб

янглишмаганди. Гарчи, у хоннинг якин маслакдоши бўлсада, Чор Русияси мустамлакаси бўлган хонликда ўз ислохотларини Ферузхон вафотидан кейин амалга оширди. 1910 йилда Ферузхон вафот этгач, тахтга унинг ўгли Исфандиёрхон чикди. Исфандиёрхон бош вазир Исломхўжанинг куёви эди. Аввало, шуни айтиш керакки, Исломхўжа бош вазир бўлгани учун ўз куёвини тахтга ўтказмаган. Негаки, 1891 йил 4 сентябрда Ферузнинг Россия императорига Исфандиёрни валиахд этиб тайинлаш хакида йўллаган илтимоси, айнан хоннинг бошка ўгиллари қолиб, уни хон қилиб кўтаришга асос бўлганди.

Хуллас, Исломхўжа ўз куёви Исфандиёрхон билан мустамлака даврида ислохотлар ўтказишга киришди. У ёш хоннинг отаси сингари салтанатни одилонга бошқаришига ишонарди, негаки, куёви отаси қаби шоир, соатсоз ва қиличбоз уста, эл кезган савдогар, рус-тузем мактабида яхши ўқиган зиёли эди. Жугрофияни яхши билгани, кўплаб илмий семинарларда яхши қатнашгани учун Исфандиёрхон Россия жугрофия жамиятининг аъзоси этиб сайланганди.

Унинг айнан 1910 йил рамазон ойининг биринчи қунида чиқарган фармонида, «бозорлар тартибга солинсин, кўприқлар қурилсин, йўллар обод қилинсин, вақф ерлар қайта ҳисоблансин, фуқароларимизнинг бундан кейинги осойишта ва фаровон турмуш кечириши билан боғлиқ масалалар ўрганилиб, тез фурсатда ҳал қилинсин. Биз томонимиздан амалга оширилиши лозим бўлган бу ишларга ҳеч қим тўсқинлик қилмаслиги шарт. Ушбу ишларни амалга оширишни ҳурматлик Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғлига топширдик», дейилади.

Исфандиёрхон фармони қучга қириб, солиқлар бирмунча қамайтирилган, ободончилик ишлари олиб қорилган.

Бош вазир шунингдек, хонга қуйидаги ўрта йўналишда ислохот ўтказишни тавсия қилади:

1. Ҳазинадаги даромаднинг бир қисмини мамлакатнинг умум фойдали ишларига — ер тузиш, йўл қурилиши, почта алоқаси, тиббий ва агрономия хизматида харжлаш;
2. Махбусларни ўрта аср услубида жазолашни бекор қилиш;
3. Хонликка қарашли ерларни турли тоифадаги одамларга тақсимлаш, тарқатиш, уларни ер солигидан озод қилиш, ирригация ишларига эътиборни қучайтириш ҳамда натурал мажбурият-ларни бекор қилиниши керак» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 1, оп 17, д 231, 133-134-бетлар).

Ўша йилнинг ўзида Исломхўжа хонликда амалга ошириш зарур бўлган ислохот режасини ишлаб чиқади. Ислохот дастури 10 банддан иборат бўлиб, ўша вақт учун тараккийпарварлик мезонларига асосланганди. Исфандиёрхон дастурни қўздан қечириб, 10 бандни ҳам тасдиқлайди:

1. Хонликдаги барча мансабдор шахслар давлат томонидан маош билан таъминланадилар. Олдинги қоида бўйича, солиқлардан тушган даромаднинг бир қисмини маош тариқасида харажат қилиш бекор қилинсин.
2. Дехқонлардан олинadиган ер солиги, қазув пули, йилига бекор қазувда давлат ҳисобига 12 кун текин ишлаб бериш бекор қилинади. Солиқ тўловчиларнинг тоифаси қатъий белгилаб қўйилади.
3. Зақот, бож ва хирож солиқлари қайта қўриб чиқилади, савдо-сотик солиқлари мувофиқлаштирилади.
4. Сувдан фойдаланиш тартибга солинади. Сувдан фойдаланиш мироблар ёрдамида ҳукумат назорати остига олинади.
5. Бозор тўловлари тартибга солинади.
6. Йўл қурилиши ва ариқлардаги кўприқларни яхшилашга киришилади.

7. Барча шахар ва ноибликларда беморларни даволаш учун замонавий касалхоналар курилади, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланади.

8. Барча турдаги вакф ерлар қайта ҳисоб-китоб қилинади ва улардан тушган даромадлар маданият ва маорифни ривожлантиришга сарфланади.

9. Барча мактабларда ўқитиш дастурига, шунингдек, янги усул мактабларида рус тили, жугрофия, тарих дарслик сифатида киритилади.

10. Хон хазинасида ҳисоб-китоб каттик назорат қилиниб, алоҳида қирим-чиким дафтарлари юритилади.

Ушбу ислохотларнинг ўтказилиши хонликда каттик тартиб-интизом ўрнатиш, давлат мулкани талон-тарож қилмаслик, солиқ тўловчиларнинг уни ўзлаштириши, олдинлари солиқ туфайли қелиб чиқадиган исёнларнинг олдини олишга сабаб бўларди. Шу каби ислохотлар Хоразмга жаҳидлар орзу қилган тараккий этган давлатларнинг илму-фан техника ютуқларини олиб қиришга хизмат қиларди.

Ислохот хон томонидан тасдиқлангач, ҳаётга жорий қилина бошланди. Олдинлари солиқ ундирувчиларининг халқдан йигиб олган солиқнинг маълум бир фоизини ўзига олиб қолиши каби талон-тарожликка чек қўйилди. Солиқ тўлашнинг каттик назорат остига олиниши, туркман ва қорақалпоқларнинг доимий равишда бўлиб турадиган исёнларининг олдини олди. Давлат ер эғалиги, мулк ер эғалиги, вакф ер эғалигининг аниқ ҳисоб-китобини қилишга қиришилди. Россиядан қурувчи- муҳандислар олиб қелиниб, бу ишга жалб қилинди. Улар билан биргаликда хонликдаги каналларга темир кўприк ўрнатиш лойиҳаси тузилди, мавжуд барча майдонларни ўлчаб қиқишга қиришилди. Хива шахрининг янги лойиҳаси тузилиб, унга кўра шахар энига уч баробар кенгайиши қерак эди. 1910-1913 йиллар: оралигида Хиванинг ўзида ислохот дастурига кўра почта-телеграф биноси, Нуриллобойда қишки сарой, замонавий касалхона, жаҳид мактаби барпо этилади.

Бош вазир Россияга қилган сафарларида, Москва шахри губернатори Н.И.Гучков билан учрашиб, унинг ёрдамида бир қатор қурилиш лойиҳаларини ишлатиб олган, шу тарзда, почта, телеграф, шифохонанинг лойиҳаларини Исломхўжа ўзи мосқалик меъморларга қиздириб қелган, шу бўйича барпо этирганди.

Шунингдек, 1910-1913 йиллар оралигида Исломхўжанинг ташаббуси ва маблағи ҳисобига Хивадан ташқари Янги Урганч, Шовот, Гурлан, Кўнгирот, ҚўшқўпирваМўйнок шаҳарларидаям жаҳид мактаблари ташкил этилади.

Хивадаги мактаб эса тамомила замонавий кўринишда бунёд этилганди. 1913 йилда пишиқ гиштдан Европа услубида қурилган икки қаватли бино рус-тузем мактаби деб аталарди. Янги Урганчда эса Исломхўжа ўғил ва қиз болалар учун алоҳида жаҳид мактаблари очиб, уларга 60 дан ортиқ ўғил-қизлар қабул этилади.

Барпо этилган ана шу мактабларда ўқувчиларга таълим бериш учун Оренбург, Қозон, Тошқент, Астрахан сингари шаҳарлардан муаллимлари таклиф қилинади. Бу борадаги вазиятни ўрганган Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига йўллаган маълумотида, «Хива хонлигидаги жаҳид мактаблари муаллимларининг қарийиб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда сиёсий ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар», деб ёзганди. («Туркестанские курьер», 1913 йил 21 август).

Рус-тузем ва жаҳид мактабларида эски мактабдан фарқли равишда парта, доска каби жиҳозлар бўлиб, рус тили, қизмачилик, тарих, жугрофия, математика, адабиёт ва бошқа фанлар ўқитиларди.

Ушбу мактабларда Агаев, Абдурашидов, Х.Кўшаев, Ф.Кўшаева, К.Батиров, А.Сазонов, С.Сўфижонов, Ю.Ахмедов каби ўз даврининг илгор педагоглари ишлаган.

Улар кўлида яхши таълим олган ёшлар Исломхўжанинг кўллаб кувватлаши билан Оренбург, Тошкент, Петербург шаҳарларига, хаттоки Бекчон Рахмонов Туркияга, Мухаммад Аминаддинов эса Францияга ўқишга юборилади.

Исломхўжанинг ўзи ҳам шу замоннинг энг олд зиёлиси бўлиб, 1908 йили Хивага келган рус шарқшуноси А.Н.Самойлович ёзганидек: «Бош вазир Исломхўжа рус тилини яхши билади, рус ва мусулмон тилларида нашр килинган газеталарни олиб, уларни мутолаа қилиб боради».

1909 йилнинг сентябр - октябр ойларида Хивада бўлган Россия ташки ишлар вазирлигининг вакили Минорский ҳам ўз хисоботида, «Исломхўжа рус тилида бемалол сўзлашади. У мусулмон мамлакатларида чиқадиган адабиётларни синчковлик билан кузатиб боради», дейилади.

Дарҳақиқат, Исломхўжа «Тараккий», «Нажот», «Туркестанский курьер», «Туркестанская вселенная». «Туркистон вилоятининг газети» (Тошкент), «Вакт» (Оренбург), «Таржимон», «Маълумот», (Крим), «Иқтисод ва тараккиёт». «Иҳдам» (Туркия), «Хабл ул-Матин» (Хиндистон) каби нашрларни ўқиб борар, уларни жадид мактабларида ҳам ўқитишни муаллимларга тавсия этарди.

Хаттоки, Ўрта Осиёга биринчи бўлиб, фото ва кинонинг кириб келиши, бу борада шу соҳанинг кашшофи бўлган Худойберган Девоновни кўллаб кувватлаган Исломхўжа эди. У Девоновни ўзи билан 1907 йили Петербурга олиб кетади ва «Патэ» русумли киноаппаратини Хоразмга олиб келишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, «Исломхўжанинг ислохот дастурида Хоразмни марказий шаҳарлар билан боғлайдиган темир йўл қурилиши-га алоҳида аҳамият берилганди. Ислохотчининг лойиҳасига кўра, 1912-1913 йиллари хонлик ҳудудига темир йўл келтириш билан алоқадор тадқиқот ишлари ўтказилади. Унга кўра, темир йўл тармоғи Чоржўйдан хонлиқнинг шимолидаги Кўнгирот шаҳригача тортилиши ва кейинчалик у давом қилиниб Ўрол-Тўрғай губернияси орқали Александров-Гай билан воғланиши керак эди.

Темир йўлнинг узунлиги 700 верстга етади. Унинг қурилишини рус саноатчиларидан А.О.Брикельмейкер ва К.Е.Николаевлар шерикликда ўз зиммасига олган эдилар» («Туркестанские курьер» 1913 йил 14 апрель).

Шунингдек, 1910-1912 йилларда бош вазирнинг топшириғига кўра, тажрибали мироблардан иборат комиссия ташкил этилиб, хошгақдаги барча канал ва ички ариқларни назоратдан ўтказишади. Комиссия лойкалардан тозаланадиган, таъмирланадиган ва янгидан чиқариладиган ариқларнинг аниқ режасини ишлаб чиқади ва Полвон, Газовот, Қилич Ниёзбой, Шовот каналларига мустаҳкам темир кўприклар қуришнинг лойиҳасини қилишади. Ички оралик йўллар ҳамда ички ариқ-ёпларга қуриладиган иншоотлар ва кўприклар маҳаллий ҳоким ва оксоқоллар зиммасига юкланади.

1911 йилнинг баҳор ва кузда Хоразмдаги барча канал ҳамда дарё қирғоғидаги ихота дамбаларда тупрок ишлари, тозалаш ва таъмирлаш ўтказилади, тўғонлар ва кўприклар қуришга қилинади.

1911 йили Россиядан Полвон, Газовот, Қилич Ниёзбой ва Шовот каналларига қуриш учун 4 та кўприкка етадиган темир конструкциялар олиб келинади. Ушбу темир кўприклардан иккитаси Полвонёп ва Газовот каналларига қурилган.

Шу тарзда ислохот дастурининг бажарилиши аста-секин бўлса-да, амалга оша бошлади.

Ислохотлар хаттоки, Оренбургдаги жадидларнинг «Вакт», Туркиядаги «Ёш туркларнинг» - «Танин» газеталарида эътироф этилиб, тараккийпарварлик намунаси сифатида кўрсатил ади.

«Туркестанские курьер» газетаси бўлса 1911 йил 17 апрел сонида Хоразмда амалга оширилаётган ислохотларни энг замонавий реформалар дея баҳолаб, Исломхўжани буюк реформатор дея атаганди.

Ана шу газетанинг 1913 йил августидаги сонида Исломхўжа мухбирга интервью бериб: «Эндиликда хонлик бутун кучини мамлакат ички тараккийётига қаратмоги лозим. Биринчи навбатда маърифатга, сўнгра савдо-саноатга. Хивани Осиёнинг колоқ давлатлари каторидан чиқариш вақти келди. Халқ эркин нафас олмоги керак», деганди.

Бирок, Исломхўжанинг фожиали ўлими ана шу ислохотларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Фожиали кун

Исломхўжа бош вазир сифатида тансоқчига эга эди. Тансоқчиси Бобожон катагон фойтун отда юрганича доимо Исломхў-жага ҳамроҳлик қиларди. Бирок ўша куни — 1913 йил 9 августда у хон саройи Нуриллобойдан уйига тансоқчисиз қайтади.» Чунки, Абдукарим махрам Исломхўжа уйига кетмоқчи бўлганида, тансоқчисини ифторликка сўраб олиб қолади. Қандайдир баҳона билан извошчи ҳам ўша фожиали куни ўзгартирилганди. Бош вазир кечкурун соат 9 ларда фойтун аравада Рофаник боғи кун чиқар томонидан «Ўғлон азиз бобо» қабристонига яқинидан ўтиб борарди. Извошчининг кейинчалик эслашига кўра, мазористондан икки киши отилиб чиқиб, уларга хужум қилишади. Дастлаб улар кўзга ташланиб қолмаслик учун фойтундаги фонус-чирокларни ўчиришади. Исломхўжа ёнидаги тўппончасини олишга уларнинг қўли етмай қолади. Никоб кийган қотиллар қўлларига чўқмор таёқ билан отнинг манглайига уриб, унга ҳам шикаст етказишади. Извошчи яқин атрофда хужум қилган икки кишидан бошқа яна ўн тача киши турганлигини эслайди. Тўсатдан юз берган дахшатдан ва танасига урилган қилич зарбидан извошчи ҳушидан кетади» (Абдулла Болтаев, «Исломхўжанинг фожиали ўлими ҳақида», кўл ёзма).

Суикасдчилар бош вазир Исломхўжани чавақлаб кетишганди. Қотиллар тезда кўздан қайиб бўлишди. Миршаблар қелиб қўришсаки, қотиллик ваҳшийларча амалга оширилиб, Исломхўжанинг бўғзига тортилган кескир тиг зарбидан унинг боши танасидан деярли ажралиб, боши бўйин терисига зўрга илиниб қолган эди; танасини кўзгатиш билан у ҳам узилиб кетади. Бош вазирнинг ёнидан 750 рубллик кредит билети, 10 рубллик 3 та тил-ласи ва бошқа майда пуллари, баҳоси 10 минг рубл турадиган бриллиант қадалган тилла портсигари, баҳоси 2500 рубллик қаҳрабодан қилинган бриллиант кўзли мунштуғи ва баҳоси 900 рубллик тилла соати топилади.

Қотиллар қимматбаҳо буюм ва пулларга тегмасдан қаратганича бош вазирнинг олий навли барра терисидан тикилган чўғирмасини олиб кетгандилар. Бу ирим учун қилинган бўлиб, ўша вақт хивалиқларда агар қатл қилинган кишининг чўғирмасидан бир парча қуйдирилса, жиноятчининг ўзи қелиб қотиллигини тан олади, деган ирим мавжуд бўлган.

Табиийки, пул ва кимматбаҳо буюмларга тегилмагани, котилликни ўғирлик учун килинган деган фаразни ўз-ўзидан йўқка чиқарарди. Бош вазирнинг сирли равишда ўлдирилиши сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган фитна эканлиги ўша пайтдаёқ аён бўлганди.

Котил қўлга олинди... бироқ

Котиллик рўй берган 9 август куни бош вазирни уйига хоннинг таржимони Корнилов кузатиб бориши керак эди. Аммо негадир у ўша куни қандайдир хужжатни ахтариб, саройда ушланиб қолади. Корнилов девонхона бошлиги Абдуллажон билан бирга маълум бир вақтдан кейингина саройдан йўлга чиқиб, Исломхўжа изидан боришади. «Ўғлон азиз бобо» кабристонига етганларида эса бош вазирнинг қонга беланиб ётганлиги устидан чиқадилар. Корнилов шу ерда қолиб, девонхона бошлиги Абдуллажон воқеа ҳақида хабар бериш учун хон саройига кетади..

Ҳожианинг эртасига ўзига келган ягона гувох — извошчи Шайхназарбой ясовулбошининг хизматчиларидан учтасини котиллик содир қилинган жойда қўрганлигини айтади. Улар дарҳол хибсга олинадилар. Терговда Исломхўжани Шайхназарбой ясовулбошининг наварлар, тошхувузлиқ Қурбонбой бўзчи бўғизлагани аниқланиб, эртаси куни хибсга олинган, у айбини тан олади. Унга бу махфий буйруқни Абдурахим махрам берганлиги, бош вазирни ўлдириш Матвафо Бакқолов, Ашур ва Рўзмат махрамлар томонидан пинхоний кенгашда режалаштиргани маълум бўлади. Гарчи, котил ва буюртмачилар аниқ бўлсада, факатгина Исломхўжани ўлдирган Қурбонбой хибсда сақланиб, қолганлар қўйиб юборилади.

Халқ ўртасида котил Қурбонбойни жазолаш Қўхна Арқда ўтказилади. Қўхна арқ олдида қўп оломон тўпланди. Қурбонбой бўзчини зиндондан қўлларини боғлаб майдонга олиб чиқишади. Ясовулбоши Қурбонбойга қарата: «Хўжамизнинг ўлган воқеасини айтиб бер, танингга таёқ тегмасдан бурун айт», дейди. Бўзчи ясовулбошига қараб: «Ога, ман бу воқеани ҳеч билмайман», дея жавоб қилади. Шунда ясовулбоши: «Агар айтмасанг урамиз, ўзингдан қўр», деб миршабларга уришни буюради. Миршаблар котилнинг яланғоч елкасига бор қуч-қуввати билан қамчи туширадиларки, оғир зарбадан яланғоч бадандан қон сачраб чиқади.

Яна шундай зарбалардан сўнг, котил: «Агар мени шундай азоблаб ўлдирмоқчи бўлсангиз, ман ишни бузаман», деб бақириб юборади. Қурбонбой бўзчининг бу қичкиригидан сўнг, Абдукарим махрам, Матвафо қарвонбошилар, унга ичи ачинган бўлиб, аслида эса сир очилиб қолишдан қўрққан ҳолда котилни арққа олиб кетишади ва алоҳида хонада сақлашади.

Котилга ўлим жазоси берилмагани ва котиллик ташкилотчилари Абдукарим махрам Ясовулбоши, Матвафо Бакқолов бош вазир, Ашур махрам бош махрам лавозимини эгаллаши, халқ орасида миш-мишни келтириб чиқаради. Яъни, бу ҳолат Исломхўжанинг ўлимида ўз қувви Исфаңдиёرخоннинг қўли бўлиши керак, деган шов-шувга сабаб бўлади.

Хоннинг котилликка алокаси бормиди

Исломхўжанинг ўлимида Исфандиёрхоннинг кўли борлиги хакида хонлик тарихига доир баъзи китоб ва маколаларда ҳам айтиб ўтилади. Жумладан, Д.Рахим ва Ш.Матрасул Феруз хакидаги «Шох ва шоир қисмати» номли китобида «Исфандиёрхон Исломхўжани хазинадаги пулларни беҳуда қурилиш ишларига сарфлади ва рус императори билан келишган холда мени бир кунмас-бир кун тахтдан четлатади, деб ўйлаган» (Т, 1991 йил 55-бет) дея ёзилади.

Мархум профессор О.Собиров ҳам 1993 йил «Хива» журналининг 2-3-сонидagi маколasiда «Исломхўжанинг юксалиб бораётган обрўси Исфандиёрхонни ташвишлантириб қўйди», деб кайд этганди. Шунингдек, Р..Хасан, А.Абдурасулов ва Н.Эгамбердиеваларнинг 1994 йил «Ватан» газетасининг 32-сонидagi, Отамурод Қўшжоновнинг «Маърифат ёғдуси» журналининг 2001 йил 1-4-сонларидаги маколаларида ҳам айнан хазинани Исломхўжа қурилиш ишларига сарфлаб бўшатгани, Исломхўжанинг халқ ўртасида обрўси ошгани, Петербургда император ва амалдорлар билан яхши танишлиги боис, хон ўз тахти кўлдан кетишидан хавфсираб бош вазирни йўқ қилгани таъкидланади.

Шунингдек, ўша даврда яшаган «Ёш хиваликлар»нинг йўлбошчиларидан Полвонниёз хожи Юсуповнинг ҳамда нақшош, тарихчи Абдулла Болтаевнинг кўлёзма асаридаям Исфандиёрхон ўз кайнотаси Исломхўжани ўлдиртиргани қайта-қайта таъкидлаб ўтилади. Полёзхожи Исфандиёрхонга муҳолиф бўлгани учун, у ҳақда салбий фикрда бўлган. Абдулла Болтаев эса ўша пайтлари ёш бола эдики, унинг кўрган, эшитганлари мурғак калбада Исфандиёрхон золим хон бўлган деган халқнинг фикридан келиб чиққан. Дарҳақиқат, Исфандиёрхоннинг маишатпарастлиги, айнан 1916 йилда «қиз солиги» туфайли халқ кўзголони келиб чиққани тарихдан маълум. Шу қаби унинг атрофини, лаганбардор, манфаатпараст, фитначи каззоблар ўраб олганиам ҳақиқат. Аммо бу бошқа масала. Кайнотасининг ўлими эса умуман бошқа.

Аввало, шуни айтиш керакки, Исфандиёрхоннинг, - бош вазир мени тахтдан туширади, - дея ўйлаши учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Зеро, у отаси Ферузнинг 1891 йил 4 сентябрда императорга қилган илтимосидан сўнг валиахд қилиб тайинланган, 1910 йил августда отаси ўлиmidан сўнг тахтга чиққанди. Колаверса, ўша даврда Хоразмда ҳам тожу тахт ворислиги авлоддан-авлод-га ўтган. Гарчи Исломхўжа сайидлардан бўлса-да, ўзини хон деб эълон қилолмасди. Негаки, валиахд император томонидан тасдиқланганди. Империя қонунларини бузиш эса, у қим бўлишидан қатъи назар, ўлим билан баробар эди.

Чор ҳукумати империя қонунларига ёт бўлган бундай ҳаракатни аёвсиз бостириши аниқ эди. Буни халқ ҳам, Исломхўжа ҳам яхши биларди. Зотан, Хива хонлиги чоризмнинг вассали эди. Колаверса, бош вазирнинг ислохот дастурини хоннинг ўзи тасдиқлаган, ҳаётда қўлланилаётган тараккийпарварликни Исфандиёрхоннинг ўзи қўллаб турган.

Хон чор ҳукумати ва халқ ўртасида Исломхўжанинг обрўси ошди, дея ўз кайнотасига қараз кўзи билан қараши мумкин эмасди. Шу боис бош вазир ўлимида унинг кўли борлиги шубҳалидир.

Хазинани беҳуда қурилишларга сарфлаб бўшатди, деган даъво ҳам асоссиз. Зеро,

Хивада бунёд бўлган почта-телеграф биноси, мактаб, сарой, шифохона ва бошка иншоотлар хоннинг ўзи тасдиқлаган ислохот дастурига кўра хазинадаги пуллар ҳисобига қурилганди.

Кўгирчок хон ва фитначи амалдорлар

Лаффасий ва Баёний каби муррихларнинг ёзишига кўра, Исфандиёр ёшлигидан ювош табиатли, гоят иктидорли киши бўлиб, «Фаррух» тахаллуси билан шеърлар битган. Касб-хунарга кизикканидан соатсоз ва килич ясовчи уста сифатидаям машхур бўлган. Тижоратчи сифатида Россия ва Шарқ давлатларини ҳам кезиб чиккан эди. Хатто рус тили, дунё жугрофиясини мукамал билгани боис, олдинги саҳифаларда таъкидлаганимиздек, Россия жугрофия жамиятининг аъзоси ҳам эди. Аввало, шуни эсдан чиқармаслик керакки, Исфандиёрхон Исломхўжанинг ислохот дастурини қўллаб турса-да, у Чор империясининг вассали эди. Колаверса, хон саройида Исломхўжага муҳолифатда бўлган фитнакор амалдорлар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган. Шундай гуруҳлардан бири ога-ини подполковник Хусайинбек, ясовулбоши Шайхназарбой ва Омонгелди Матмуродовлар эди. Хар бир ога-ини хонликда ҳисобсиз ер, каттагина молу-мулкка эга эдилар. Мабодо Исломхўжанинг ерларни ўлчаш, солиқларни тартибга солиш, давлат амалдорларига маош тўлашдек ислохотлари тўла амалга ошса, улар кўп нарсадан ажралиб қолардилар. Шу боис, ога-ини Матмуродовлар имкони борича Исломхўжанинг шахсияти ва ислохотини бадном этишга ҳаракат қилишган. Исфандиёрхон ювош ва кўнгилчан бўлганлиги боис чор империяси билан уруш даврида қаҳрамонлик кўрсатиб халқ ўртасида катта шухрат қозонган Матмурод девонбегининг ўғилларини саройдан тўла четлаштиролмасди. Тўғри, у дастлаб 1911 йилда Исломхўжани қувватлаб, Матмуродовларнинг мол-мулкни мусодара қилади ва уларни саройдан четлаштиради. Аммо ога-ини Матмуродовлар чор амалдорлари билан яхши алоқа ўрнатгани боис, 1913 йилда рус маъмурлари таъсирида яна саройга ишга тикланиб, мол-мулкни қайтариб олишади. Бирок, шундан кейин ҳам ога-ини Матмуродовлар рус маъмурларига Исломхўжани игво қилишда давом этишади. Жумладан, Хусайинбек 1913 йил январида Амударё бўлими бошлиги Ликошин ҳузурида бўлиб, унга берган ахборотида ўзининг 1911 йил хон газабига учраб, огир қулфатларга дучор бўлиши ва 1913 йил январида ёвмудларнинг қоризмга қарши қўтарган исёни сабабчиси Исломхўжа эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у мусодара қилинган, қиймати бир миллион рублдан ортиқ бўлган мол-мулкнинг атиги 150 минг рублини қайтариб берилганини айтиб, унинг қолган қисмини Исломхўжа ўзлаштирган, дея даъво қилади. Колаверса, ога-ини Матмуродовлар Исломхўжанинг ислохотларидан норози бўлиб, бу ҳақда хонга ариза ҳам ёзгандилар. Чор ҳукумати, айниқса, Амударё бўлими хонга таъсир ўтказиб, Хиванинг ички ишларига мунтазам аралашиб қелар, зеро, улар учун Исфандиёрхон кўгирчок ҳукмдор эди. Матвафо, Абдурахмон ва Шариф Бакколовлар Исломхўжага муҳолифатда бўлган иккинчи гуруҳ вакиллари эди. Тоға-жиан Бакколовлар ҳам қўплаб ер, мол-мулк соҳиби бўлиб, улар ҳам ўтказилаётган ер, солиқ ислохоти боис анчагина мол-мулкдан ажралиб

колишдан кўркар, шунинг учун бош вазирга нисбатан доимо адоватда бўлиб келишар эди. 1899 йилдан хон саройида таржимонлик килган В.Н.Корнилов у ҳақда: «Матвафо ниҳоятда юлгич бўлиб, огир солиқлар билан хивалиқларга зулмини ўтказди. Хивалиқлар уни жуда ёмон кўришади. У туркманларга яширинча игво қилиб, уларни талончиликка гиж-гижларди. Матвафо жудаям уддабурон бўлиб, ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам хон саройида биринчи лавозимни эгаллаш учун ҳаракат қилди», деб ёзганди.

Бундан ташқари, Амударё бўлимининг бошлиғи Ликошин Туркистон генерал-губернаторига ёзган ахборотида, «Хонликда барча ишлар Бакколов ва унинг ога-иниларининг савдо тижорат манфаатлари юзасидан олиб борилмоқда. Жамики давлат тадбирлари ушбу савдогарларнинг шахсий бойлигини ошириш-га қарата ҳал этилмоқда» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф.и 2, оп 2, д 476, 53 бет).

Н.С.Ликошин, шунингдек, Исломхўжа вафотидан сўнг, 1913 йил декабрида генерал-губернаторга ёзган ахборотида шундай деган: «Марҳум Исломхўжа савдогар эмасди. Шунинг учун у савдогарларга бошқачароқ қарарди. Савдо ишларидан ҳоилиғи туфайли, хонликдаги ислохотларни ҳатто ўзининг шахсий манфаатидан устун қўярди. Хонликнинг ҳозирги мулкдор амалдорлари бўлса, ўзларининг савдо тижорат даромадини ошириш билан машғул бўлмоқдалар» (юқоридаги архив, ф.и 2, оп 1, д 475, 54-бет).

Ҳаттоки, хонликдаги энг айёр ва бой савдогар Матвафонинг иниси Абдурахмонбой Янги Урганч ҳокими қилиб тайинланиб, Матвафо сафарга кетганида бош вазирлик лавозимини ҳам эгаллаб турадиган даражага етади.

Исломхўжа 1911 йилда Янги Урганч, Ҳазорасп, Питнак, Монок ва Даргонотадаги ерларни хон тасдиқлаган ислохот дастурига кўра қайтадан ўлчатиб чиққанди. Шунда ушбу бекликларда ога-ини Матмуродовлар ҳамда тоға-жиян Бакколовларнинг беҳисоб ерлари борлиғи, улар давлат ҳисобига киритилмай, хонлик ҳазинасига солиқ тўламаётганлари аниқланганди. Шу боис ога-ини Матмуродовлар ҳамда тоға-жиян Бакколовлар саройдан четлатилиб, аниқланган хуфия мол -мулки хон фармониға кўра мусодара қилинади. Ўшанда ҳар иккала гуруҳ чоризмнинг Амударё бўлими бошлиғига шикоят қилиб, Исломхўжа фаолиятига чек қўйишда кўмак сўраган эдилар.

Исломхўжа эса ислохотлари ва унга тўганок бўлаётган амалдорлар ҳақида 1911 йилнинг 3 декабрида, полковник Гулушановскийга шундай мактуб йўллаб, вазиятни тушунтириб ўтганди: «Биз амалға оғиираётган ислохотлар хон атрофидаги амалдорлар манфаатиға, албатта маъқул тушмади. Улар аввалги хон даврида ҳам қатта ерларни эгаллаб, беҳисоб фойда олиб келганлар. Шу боисдан норози бўлган амалдорлар томонидан бир қанча маҳфий мажлислар ўтказилиб, унда халқни ислохотларға қарши кўзгатишға қарор қилинган. Мазкур амалдорлар халқ номидан норозилик мактублари уюштириб, уларни ўз муҳрлари билан тасдиқлаб, ислохотдан норози эканлиқларини билдирмоқдалар. Мактубларда ҳатто ҳақоратли бўхтонлар ҳам шилатилмоқда» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 2, оп 1, д 289, 207-бет).

Айнан 1911 йилдаги воқеалардан сўнг ҳар иккала гуруҳ рус маъмурлари билан яқинлашиб, Исломхўжаға нисбатан очикчасига душманлик йўлиға ўтдилар. Зеро, халқ ўртасида Исфандиёрхоннинг эмас, балки ога-ини Матмуродовлар ва тоға-жиян Бакколовларнинг обрўси тагин-да тушиб кетди. Негаки, улар солиқлар баҳона халқни беаёв талаш, беҳисоб ерга эғалик қилиб, ҳазинаға сарик чакаям тўламаслик эвазига бойирдилар. Исломхўжа эса 1911 йилда уларнинг кирдикорини чеклаб, янада обрў орттиради. У фитнакор амалдорлар молу мулкини Исфандиёрхон розилиғи билан

тортиб олганди. Шу боис ҳар иккала гуруҳ Исфандиёрхоннинг ишратга ўчлигидан фойдаланиб, Исломхўжа билан унинг орасини бузишга интилди. Негаки, хоннинг катта хотини Азизапошшабика Исломхўжанинг кизи эди. Фитнакор амалдорлар ишратга ўч хонга турли бекликлардан ёш ва чиройли кизларни келтириб берардилар. Хатто, Бакколов ва Ашур маҳрам ташаббуси билан Нуриллобой саройининг орка томонида 70 минг тилла сарфлаб, маишатбозлик учун мўлжалланган маҳсус кўшк ҳам курилади. Табиийки, бу ишлар кайнотаси бўлмиш Исломхўжага маъкул келмас, у куёви Исфандиёрга бу ахлоксизликни йиғиштириш ҳақида бир неча бор насиҳат килганди. Чор маъмурлари эса ҳар иккала гуруҳбозларни кўллаб, Исломхўжа фаолиятини кузатув остига олгандилар. Негаки, у чор ҳукумати учун гоёвий душман бўлган жадиidlарни кўллаётган, Хоразмда мактаблар барпо килаётган, хатто «ёш хиваликлар» ҳаракатини кўллаб қувватлаётган, чоризмга қарши тинимсиз исён кўтараётган туркман ёвмудлари билан яқин алоқада эди. Хатто, у 1913 йил бошида туркманларга қарши юриш қилиш ташаббусига қарши чиққанди. Ёвмудлар исёни умумхалқ кўзғолонига айланиб, чоризмнинг мустамлакачилигига чек қўйиши мумкинлигини чор ҳукумати яхши билар, шу боис Исломхўжа нафакат гуруҳбозларнинг, балки мустамлакачи чор ҳукуматининг да душманига айланганди.

Котилликда чор ҳукуматининг кўли борми?

Исломхўжа 1896-1913 йилларда беш маротаба Россиянинг Петербург ва бошқа шаҳарларига борган. Император Николай II Романов билан ҳам кўп бор мулоқотда бўлган ва у билан рус тилида бемалол дунё сийёсати ҳақида суҳбатлашганди.

Шу суҳбатлардан кейин Исломхўжа окпошшани гоёт кизиктириб қўйганди. Айниқса, унинг хонликда амалга ошираётган ишларидан бохабар бўлган император, Петербургда қимлар Исломхўжа билан учрашишига жандармериядан суриштиради. Колаверса, Амударё бўлими ва жандармерия Исломхўжанинг чор ҳукумати душманлари бўлмиш жадиidlар ва исёнкор ёвмудлар билан алоқаси яхшилигини хабардор қилганлиги табиий.

Негаки, 1913 йил 4 январда Туркистон генерал-губернатори ҳарбий министр Сухамлиновга махфий хат йўллаб: «Хонликда 1910 йилгача ҳукм сурган осойишталикни саклаб туриш, халқ галаёнларининг олдини олиш учун Исломхўжа фаолиятини жиловлаш чора-тадбирларини қўриш лозимга ўхшайди», деганди (Россия Марказий Давлат Архиви, 400-фонд, 62-дело, 155-саҳифа).

Шу билан бирга, генерал Самсонов Петербургга йўллаган махфий хатида Исломхўжани чет элга жўнатиш, сургун қилиш ҳақида буйруқ бериш лозимлигиниям айтиб ўтганди.

Аммо ташки ишлар министрлиги бу таклифни маъқулламаган.

«Россия Марказий Давлат Архивининг 400-фонд, 178-дело, 50-54-саҳифаларидаги манбага қўра, Исломхўжа Петербургдаги «Мусулмонлар хайрия жамғармаси»га бориб, у ерда Эрон ва Туркия элчилари Тархон пошшо, Исҳоқхонлар билан учрашган. Кечкурун Маринин театрида уларни меҳмон қилиб, суҳбатлашган. Табиийки, мусулмон мамлакатлари элчилари билан Хива хони бош вазирининг тил топишгани чор ҳукуматига ёкмасди.

Етилиб келаётган жахон уруши арафасида чор ҳукуматига ракиб бўлган Туркия ҳукумати элчиси билан мустамлака хонлик бош вазирининг суҳбатлашиши, чор ҳукумати учун, айник-са, чидаб бўлмас хол эди.

Исломхўжа дунё сиёсатидан бохабар бўлиб, Туркия-Эрон, Эрон-Италия, Туркия-Германия, Россия-Туркия иктисодий ва харбий муносабатлари мохиятини тўла англаб етган, мустамлакачиликнинг ҳам паймонаси тўлаётганини сезиб турарди. Бу эса чор ҳукумати учун кўркннчли бир хол эди. Шу боис чор жандармерияси Петербургда бўлган Исломхўжанинг хар бир кадамани кузатиб, ким билан нима хакида суҳбатлашганигача шахсан император Николай Романовга ахборот бериб борган. Исломхўжа Хивага кайтгач ҳам кузатув остида бўлганди. Негаки, Петербургда босган кадамани кўздан кочирмаган Николай II унинг Хивада нималар килаётганини ҳам билишни истарди.

Амударё бўлими бошлиги генерал-губернаторликка йўллаган маълумотида ўз кузатувларини қуйидагича изоҳлаганди: «Саройтг энг нуфузли одами, хоннинг биринчи амилдори Исломхўжанинг уйини ўзига хос кичик сарой деса бўлади. Бу ерга саройнинг катта ва кичик аъёнлари ҳам «салом»га келиб турадилар. Улар йигилишиб энг муҳим масалаларни муҳокама қиладилар» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 2, оп 1, д 289, 17 бет). Шу билан бирга, бўлим томонидан 1912 йил 12 августда Тошкентга йўлланган ахборотда бош вазирнинг уйдаги ҳолат хакидаям маълумотлар берилганди: «Вазири Акбар Исломхўжа жаҳид мактабининг ва уйдаги фарзандларининг ўқитувчиси ёш татар муаллими Абдурашидовнинг фаолияти алоҳида эътиборга эга. Афсуски, Абдураишдов ўқитувчилик ишларидан таш-қари Хива хонлигини ички сиёсатида ҳам фаол қатнашмоқда. У Исломхўжанинг уйда яшаб, яширин кенгаш ўтказиб туради. Бу кенгашга Абдураишдов маслаҳатчи ва раҳбарлик қйлади. Исломхўжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари муҳокама қилинади. Абдурашидов йигилган хивалиқлар онгига Хива хонлигини Россия қарамоғидан озод қилиш ва хонликни тараккий эттириш гоёларини сингдирмоқда».

Турган гапки, бундай чор мустамлакачилиги учун зарарли бўлган хуфий ахборотларни олгач, генерал губернаторлик Абдурашидовни воҳадан йўқотиш чораларини қўради. Натижада, «Амударё бўлими 1913 йил ёзида Абдурашидов ва бошқа жаҳидларни Хивадан ўз юртларига жўиатиб юборади» («Туркестанский курьер, 1913 йил 21 август). Абдурашидовни уйда саклаган бош вазир уни воҳада олиб қолишга интильмасин, чор маъмурлари бунга йўл қўймайдилар.

Сарой эса бу пайтда фитна уясига айланиб бўлган, Исломхўжага муҳолиф саналган хар иккала гуруҳни Амударё бўлими қўллаб турганди. Колаверса, фитнакор Хусайнбекка подполковник, укаси Омонғалдига эса биринчи даражали Мукаддас Анна ордени бекорга берилмаганди. Оғани Матмуродовлар чор ҳукуматининг энг ишончли одамлари эдики, уларни шу боис тақдирлашганди. Хатто, хар иккала гуруҳнинг 1911 йилда тортиб олинган молу-мулкнинг қайтариб берилишидаям чор ҳукуматининг қўли бор эди. Амударё бўлими бошлиги полковник Колосовский уларга ёрдам бериб, қўллаб турганди. У 1914 йил 31 декабрда Туркистон генерал-губернаторига юборган ахборотида: «Бизнинг Хива хонлиги саройидаги фитналарга аралашувимиз ва хон саройида Матмуродовлар гуруҳини тиклашимиз бош вазир Исломхўжанинг қатлига омил бўлган сабаблардандир», дея ёзганди.

Хатто, Исфандиёрхон полковник Колосовскийнинг Матвафо Бакқоловни бош вазирликка тайинлаш хакидаги тақлифига эътироз билдирганида, у «Матвафо сенга керак бўлмаса,

менга керак», деб махаллий хукмдорни - Хива хонини жеркиб ташлаганди. Кўриниб турибдики, хонни ҳам назарига илмайдиган полковник Колосовскийга Матвафо Бакколовдек фитнакор малайлар керак эди.

Хон саройида таржимонлик килган В.Н.Корнилов эса, «Матвафо Исломхўжа катлининг айбдоридир. Бу факат менинг эмас, балки хонликдаги инсонлар фикридир», дея ёзганди. Шу боис-

дан ҳам унинг Исломхўжага суикасд килинган пайтда Туркистон генерал-губернаторлигининг Петербург полиция департаменти вице-директорига юборган маълумотида, бош штабнинг Осиё бўлими бошлиги генерал Цейлнинг бош вазир катли бўйича ишни босди-босди килгани, бу иш учун 200 минг рубл пора олгани, Цейл бу пулдан 20 минг сўмини харбий министр Сухамлиновга бергани кайд килинган.

Николай II Исломхўжа ўлимидан хабардор этилган бўлсада, у суикасд тафсилотини суриштириб ўтирмади. Негаки, ким ҳам ўз этагини ўзи кўтарарди? Зеро, мустамлака ўлкаларда силликина сиёсат юритиш учун доимо у ерда фитна ва игво чиқариб туриш, ўз юрти раванкини ўйлайдиган ислохотчиларни йўқ қилиш синалган усуллардан эди.

Шунинг учун чор ҳукумати, жандармерия, Амударё бўлимига бошлик бўлган Гулушановский, Ликошин, Колосовскийлар Хива хонлигидаги фитнакор гуруҳларни рағбатлантириб, уларни Исломхўжага қарши гиж-гижлаб туришди. Хиванинг халқпарвар, маърифатпарвар бош вазири Исломхўжа ана шундай каттол сиёсат, фитна қурбонига айланганди.

Бирок, шундай бўлса-да, Исломхўжа жаҳон халқлари тараққиётидан бир неча аср оғда қолган, баъзи соҳаларда ўрта асрча мустабидлик ҳукм сураётган Хива хонлигида ўзгариш яшашга уринди ва дастлабки натижаларга эришдики, булар тарих саҳифаларидан ёрқин жой олди.

Жиноят жазосиз қолмас

Исломхўжадек ислохотчининг ўлимида айбдор бўлган, бу қотилликни чор мустамлакачиларининг қўллаб қувватлаши билан амалга оширган хонликнинг фитнакор амалдорлари қўп вақт ўтмай ўз жазоларини олишди. Яъни, 1915 йил охирида Шихназарбой ва Ашур махрамлар ўзларига ҳаддан ташқари эрқ бериб юборганларидан сўнг, уларни олдинлари қўллаб турган чор мустамлакачилари билан чиқишолмай қолди. Натижада улар Хоразмдан Олмаотага сургун қилиндилар. 1916 йилнинг феввалида эса Хивани қамал қилиб қўлга қиритган ёвмуд исёнқорлари ва халқ қўзғолончилари Исфандиёрдан Матвафо Бакколов ва сарой ходими Абдуллажонларни топширишни шарт қилиб қўядилар. Қўзғолончилардан енгилгани боис хон шартга қўниб ноилож амалдорларини уларга топширади. Қўзғолончилар эса иккала амалдорга қўшиб Шихназарбойнинг яна бир қариндошини ҳам тутиб келтириб, ўчаласини бўғизлаб ўлдиришади.

1918 йилнинг октябрида эса Исфандиёрхон ёвмудлар томонидан бўғизлаб ташланади. Хуллас, тақдир Исломхўжанинг ўлимида бевосита айбдор бўлганларни исёнқорлар қўли билан жазолади.

Умид Бекмухаммад